

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

2018 йилнинг январь–июнида чакана савдо товар айланмаси 62806,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 104,1 % ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 18,5 % га ўсиб, 7552,5 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 12,0 % ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 4,2 % га ўсиб, 14422,3 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 23,0 % ни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 40831,3 млрд. сўми якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 % га кўпайди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 65,0 % га тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби (2018 йилнинг январь–июнь ҳолатига)




2018 йилнинг январь–июнида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 113,0 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 110,2 % ни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,18 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 62693,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 104,1 % ни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,82 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 21,5 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 10,3 %, Фарғона вилояти 8,8 %, Самарқанд вилояти 8,2 % ва Андижон вилояти 7.9 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,8 %, Қорақалпоғистон Республикаси 3,4 % ва Жиззах вилояти 3,4 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши % ҳисобида



Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 1781,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 10,5 % га ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 2,8 % ни ташкил этди.


Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 41,2 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 11.0 %, Бухоро вилояти 8,0 % ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,0 %, Жиззах вилояти 2,0 % ва Хоразм вилояти 2,2 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмасида ўсиш саръати 118,5 % ни ташкил этди. Ўз навбатида, Самарқанд вилоятида (2017 йилнинг шу даврига нисбатан 55,2 % га), Бухоро (51,2 % га), Андижон (40,8 % га), Хоразм (35,8 % га), Қашқадарё (27,1 % га) ва Жиззах (39,7 % га) вилоятларида юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

Чакана товар айланмаси
(умумий овқатланишни қўшиган ҳолда)

	<i>Жами</i>		<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-июнга нисбатан, % да</i>	<i>минг. сўм</i>	<i>2017 йил январь-июнга нисбатан, % да</i>
Ўзбекистон Республикаси	62 806,1	104,1	1 916,1	102,3
Қорақалпоғистон Республикаси	2 137,4	103,7	1 156,7	102,3
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	4 962,0	103,6	1 642,0	101,8
Бухоро	3 878,5	105,1	2 067,7	103,6
Жиззах	2 140,3	105,9	1 608,1	103,9
Қашқадарё	4 618,4	102,5	1 460,7	100,5
Навоий	2 460,1	103,7	2 558,9	102,1
Наманган	3 905,8	104,9	1 441,3	103,1
Самарқанд	5 462,5	104,1	1 461,9	102,1
Сурхондарё	4 172,5	103,6	1 651,8	101,4
Сирдарё	1 161,3	104,9	1 418,1	103,2
Тошкент	6 440,8	103,2	2 245,0	102,0
Фарғона	5 515,9	103,7	1 518,4	102,1
Хоразм	2 421,6	105,4	1 337,8	103,7
Тошкент ш.	13 529,0	104,1	5 465,4	102,3

Чакана савдо товар айланмаси (овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига 2,3 % га ошиб, 1916,1 минг сўмни ташкил этди (2017 йил январь-июнь ойларида 1543,4 минг сўмни ташкил қилган эди). Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичларни Тошкент шаҳри (5465,4 минг сўм), Навоий вилояти (2558,9 минг сўм) ва Тошкент вилоятида (2245,0 минг сўм), энг паст кўрсаткичларни эса Қорақалпоғистон Республикаси (1156,7 минг сўм), Хоразм вилоятида (1337,8 минг сўм) ва Сирдарё вилоятида (1418,1 минг сўм) қайд этди.



2018 йилнинг январь–июнида улгуржи савдо товар айланмаси 26771,9 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 107,3 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 5,9 % га камайиши кузатилиб, ҳажми 8466,1 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати ўсган бўлсада, айрим ҳудудларда товар айланмасининг камайиши кузатилди.

Жумладан, йирик корхоналар бўйича улгуржи товар айланмасининг ўсиш суръати Қашқадарё вилоятида – 87,5 % ва Самарқанд вилоятида – 97,2 % га тенг бўлди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 8,0 % га кўпайиб, 18305,8 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 68,4 % ни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси

	<i>млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан, % да</i>	<i>2017 йил январь-июнга нисбатан, % да</i>
Ўзбекистон Республикаси	26 771,9	100,0	107,3
Қорақалпоғистон Республикаси	523,2	2,0	100,6
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	907,4	3,4	101,2
Бухоро	1 053,4	3,9	105,0
Жиззах	613,7	2,3	151,8
Қашқадарё	1 122,5	4,2	87,5
Навоий	797,2	3,0	191,1
Наманган	1 022,4	3,8	118,4
Самарқанд	1 955,4	7,3	97,2
Сурхондарё	785,9	2,9	105,5
Сирдарё	634,2	2,4	106,7
Тошкент	3 050,6	11,4	107,1
Фарғона	1 589,8	5,9	100,1
Хоразм	562,7	2,1	112,8
Тошкент ш.	12 153,5	45,4	107,1